



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2013 йил 29 МАЙ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 105 (12.416)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Қарор ва ижро

Сайёров Урмонов (ЎЗД) олган сурат

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

«Ўзэкспомарказ»да агросаноат комплекси учун минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo – 2013» VIII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг «Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2013» II Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларнинг очилишида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларнинг изчил таътиб этилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори замонавий техника ва технологиялар билан танишиш, хариш қилиш ва ишга туширишда фермерлар учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Кўргазмаларда намоиш этилаётган маҳсулот ва хизматлар кенг қамровли бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган ихчам линиялар, қадоклаш минитехнологиялари, чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик ва боддорчилик ускуналари, чорва учун ем тайёрлаш, боддорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, ўсимликлар ҳимояси учун кимёвий моддалар, қорақўлчилик ҳамда терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжалиқларини ташкил этиш каби қарийб юз йўналишни ўз ичига олган.

«Uzbekistan Agrominitech Expo – 2013» кўргазма – савдосининг асосий бўлимлари «Тракторлар ва тир-кама маҳсулотлари», «Мелиорация техникаси ва машиналари», «Ўғит пурақичлари», «Ерга ишлов бериш асбоб-ускуналари», «Саралаш ва қадоклаш машиналари», «Иссиқхона комплекслари» каби йўналишларни ўз ичига олган.

Мажлисада сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов раҳбарлигида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳозирги замон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакат мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг, уни барқарор демократик ривожлантиришнинг ишончли кафолати бўлган миллий армияни шакллантириш соҳасида ўз қўламини аҳамияти жиҳатидан жуда катта ишлар амалга оширилганлиги қайд этиб ўтилди. Ҳарбий хизмат муддати бир йилга-ча қисқартирилганлиги, қўшинлар сифат таркибининг, қўшинларни шакллантириш, ҳарбий жиҳозлантириш тартибининг ўзгартирилганлиги, сафарбарлик қару-ви резервини ҳизматнинг жорий этилганлиги ақриямиз қиёфаси, моҳияти, таркиби ва жанговар имкониятларини тубдан ўзгартириб юборди. Шу йиллар мобайнида ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш соҳасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Ўрганиш шунинг кўрсатдики, «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талабларини Тошкент шаҳрида амалга ошириш мақсадида Тошкент ҳарбий округ кўмондонлиги, Тошкент шаҳри Мудофаа ишлари бошқармаси маҳаллий давлат ҳокимияти орган-

Мамлакатимизда пахта ва галла каби муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мевасабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балчиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, маҳсулотлар сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сўт, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда. Шу боис мазкур кўргазмада мевасабзавот ва гўшт-сўт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, боддорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қорақўлчилик ва терини қайта ишлашда зарур бўладиган замонавий, тежамкор технологиялар намоишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ташкилотчилардан олинган маълумотларга кўра, аънавий ўтказилаётган «Uzbekistan Agrominitech Expo» кўргазмаси мамлакатимиз фермерларида катта қизиқиш уйғотиб, хорижий фирма ва компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорлиқни йўлга қўйишга ёрдам бераётди. Президентимиз Ислоҳ Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, бунда хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди.

(Давоми 3-бетда)

ҚОНУННИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ ЎРГАНИЛДИ

2013 йил 28 май куни Тошкент шаҳар ҳокимияти биносида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қўшма мажлиси ўтказилиб, унда «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

лари билан биргаликда Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ихчамлиги ҳаракати ва бошқа жамоат қишлоқ-маҳаллари билан ҳамкорликда қақирлувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақирлуш, ҳарбий қисмларда уларнинг қабул қилиб олинишини ташкил этиш, армиядаги тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ҳар бир ҳарбий хизматчи онгида мамлакат тақдири учун юксак масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий ғазилатларни, фаол ҳаётий позицияни ҳамда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, Ватанга содиқлик руҳини шакллантириш юзасидан аниқ мақсадга

қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Сафарбарлик ресурсларини хабардор қилиш учун Тошкент шаҳри бўйича зарур миқдорда хабар бериш участкалари, ҳарбий хизматга мажбурларни дастлабки тарзда йиғиш пунктлари, техникани дастлабки тарзда тўплаш пунктлари ташкил этилган.

Мамлакат Қуролли Кучларида ўтказилаётган ислохотларнинг моҳиятини тушунириш бўйича аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилаётганлиги, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбия масалаларига бағишланган материалларнинг чоп этилаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

(Давоми 3-бетда)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси Иван Симонович раҳбарлигидаги делегация аъзолари 28 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

БМТ БОШ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров билан учрашувда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ва суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизmlарини такомиллаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, «Хабас корпус» институтининг жорий этилиши ва янада кенгайтирилиши, иқтисодий жиноятлар бўйича етказилган зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг тайинланиши борасида амалга оширилган ишлар БМТ делегацияси аъзоларида катта қизиқиш уйғотди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар натижасида прокуратура органларининг фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда уларга риоя этилишини таъминлашга устувор эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши доирасида сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, жумладан, «Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Жиноят ишлари юритиш чоғида қамолда сақлаш тўғрисида»ги қонунлар мазмун-моҳияти бўйича инсон ҳуқуқларининг муҳофазасига қаратилгандир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов билан мулоқот чоғида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани, мустақиллик

йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилгани алоҳида таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг узлуксиз тизими яратилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш тизими ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариб келмоқда. Мамлакатимиз БМТ конвенциявий органлари, шунингдек, ихтисослашган механизмлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек тилида нашр этилди.

Учрашувда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва бошқа институтларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг самарали ишлаши учун зарур бошқа шарт-шароитларни яратишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ташриф давомида Ўзбекистоннинг турли вазирлик ва идораларида музокара ўтказиш имконига эга бўлди, – деди И.Симонович. – Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилиш ўзаро алоқаларимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) идорасида, Конституциявий судда ҳам музокаралар ўтказди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

• Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ЁИХ ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози – 2013» кўрик-танловининг Куйи Чирчиқ тумани босқичида икки юз нафардан зиёд ўғил-қиз архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишларида ўз билим ва маҳоратини намоиш этди.

• Хоразмда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамкорлигида «Мутахассислик – сенинг келажакинг» деб номланган кўргазмали ярмаркалар бўлиб ўтди.

• Наманганда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан «Биз, ёшлар миллий қадриятларни қадрлаймиз» деб номланган ёшлар фестивали бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Наманган вилояти бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур ватанпарварлик, миллатлараро дўстлик анжуманида Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан уч юзга яқин ёшлар иштирок этди.

• Суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти Галлаорол филиалида галлачиликнинг илмий асослари ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг All Nippon Airways авиакомпанияси бутун жаҳонда жорий йилнинг январь ойи ўрталаридан бошлаб аккумулятор батареяларидаги носозликлар боис парвозлари тўхтатилгандан сўнг тўрт ой ўтгач Boeing-787 самолётларининг тижорат рейсларини давом эттира бошлади.

• Американинг Техас штатида номаълум киши ўзи ўтирган юк машинадан атрофдагиларга ўқ узиши натижасида икки киши ҳалок бўлди, яна бешта одам тан жароҳатлари олди. Ушбу жиноятчининг ўзи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан отишма чоғида ҳаётдан кўз юмди.

• Еврокомиссия Apple компаниясига нисбатан iPhone смартфонларининг ноқонуний савдосини амалга ошириш юзасидан тергов ишларини бошлади. Ушбу компаниянинг ўз рақобатчиларини синдириш мақсадида шундай стратегиядан фойдаланганлиги таъкидланмоқда.

• Таиланд пойтахти Бангкок шаҳридаги аҳоли зич яшайдиган туманларнинг биридаги чиқинди сақланадиган идишга беркитилган портловчи қурилманинг ишга туширилиши натижасида етти киши енгил жароҳат олди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика


ка коллежида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» ҳамда «Барҳаёт анъаналар» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Бадиий академиясида «Ер қуррасида тинчлик» Республика расмлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтади.


✓ **ЭРТАГА** Тошкент Давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида «Ёш оила қурувчилар мактаби»нинг ўқув машғулотли ташкил этилади.

Ислом КАРИМОВ

Давра сухбати якуни бўйича маҳалла тизимини шакллантиришга қаратилган қонулар ижросини таъминлаш, қонуности ҳужжатлари бўйича тақдирлар тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, ҳуқуқшунослар билан биргаликда маҳаллалар билан ҳамкорлиқни янада кучайтириш масалалари юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.



**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати**



Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида «Тошкент баҳори» учинчи халқаро опера ва балет санъати фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.



Сардор Эрмонов (ўзА) олган сурат

«Тошкент баҳори — 2013»

ОПЕРА ВА БАЛЕТ БАЙРАМИ

кийнинг «Оққуш қўли» балети каби жаҳон опера ҳамда балет санъати дурдоналарини томоша қилиш имконига эга бўлди.

— Фестиваль асарларини оиламиз билан томоша қилдик, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида яшовчи Барно Раҳимова. — Ўз шахримизда жаҳонга машхур опера ва балет юлдузлари, дирижёрларнинг санъатини кўришга муяссар бўлдик. Опера ва балет санъатининг энг яхши вакилларини Ўзбекистон саҳнасида тўплаган фестивал ташкилотчиларига катта раҳмат.


Фестиваль нафақат томошабинлар, балки иштирокчиларга ҳам қувонч бағишлади. Улар учун бу тажриба алмаш ва маҳоратини ошириш, ижодий алоқаларни кенгайтириш учун ажойиб имкониятдир. Санъат байрами кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрининг ёш ижрочилари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари учун ижодий учрашувлар ва маҳорат сабоқлари ўтказилди. «Competizione dell'Opera» халқаро вокалчилар танлови босқичининг ўтказиши мамлакатимиз опера санъатининг ёш истеъдод соҳиблари учун ажойиб совға бўлди. Бу тадбирнинг ўзига хос хусусияти шундаки, саралаш босқичларида иштирокчиларнинг, одатдагидек, тасмада ёзилган овози эмас, балки жонли ижроси тингланади. Дунёга машхур опера театрлари раҳбарларидан таркиб топган ҳайъат баҳор ва ёз ойлари давомида Вена, Париж, Нью-Йорк, Варшава, Лондон, Милан каби шаҳарларда бўлиб, даввогарларни саралаб олади. Бу рўйхатга Тошкентнинг ҳам киритилгани фойда қувонарли ҳолдир.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, саралаш босқичини ўтказиш учун мамлакатимизга «Competizione dell'Opera» йирик халқаро вокалчилар танловининг директори, германиялик машхур режиссёр, продюсер ва жамоат арбоби Ганс-Йоахим Фрай ҳам ташриф буюрди.

— Ўзбекистонда саралаш босқичларидан бирини ўтказиш мен учун катта шарафдир, — деди Ганс-Йоахим Фрай. — Ўтган йили «Competizione dell'Opera» танлови Москвада бўлиб ўтганда, мамлакатингиз вакили Раҳим Мирзакомлов 150 дан ортиқ иштирокчи ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Бизни ўзининг ширали овози, ноёб иқтидори билан мафтун этди ва ўзбекистонлик ёш истеъдод соҳибларига катта имконият бериш мақсадида овозларни тинглаб кўриш бўйича саралаш босқичини яқдиллик билан Тошкентда ўтказишга қарор қилди. Мамлакатингизда бундай иқтидорли ёшлар кўпчилигининг гувоҳи бўлдим. Биз танлаб олган 11 киши орасида консерватория талабаларининг ҳам борлиги таҳсинга лойиқдир. Улар кузда Австриянинг Линц шаҳрида бўлиб ўтадиган финал босқичида иштирок этади.

«Тошкент баҳори — 2013» учинчи халқаро опера ва балет санъати фестивали катта гала-концерт билан якунланди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Яхши одам бировнинг гийбатини қилмайди.

Гапи кўпнинг иши оз.

Фарзандларнинг тўнғичи бўлиш ҳам ўзига хос масъулият.

Хар кимнинг ҳаёти ўзига азиз.

Хар ким чекига тушган умрни яшаб ўтади.

Бировнинг бахти бировга буюрмайди.

Киши ўзида бор имкониятдан фойдаланмай йўғини орзу қилади.

Ҳаёт тарозисининг посангиси йўқ.

Яхшиларнинг ҳаёти ибрат.

Ҳаёт ўз йўлига солганини билмай қоласан.

Ёшлар орзу билан яшайдилар, кексалар хотира билан.

Бошга нималар тушмас, Бошдан нималар ўтмас.

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгиликлари

Футбол бўйича жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг IV босқич учрашувлари доирасидан ўрин эгаллаган Жанубий Корея — Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги баҳсини Али Аҳмад ал-Бадаввий бошчилигидаги БААлик ҳакамлар гуруҳи бошқариши лозим эди.

РЎЙХАТ ҚАЙТА ТАСДИҚЛАНДИ

Аммо ФИФА томонидан жаҳон чемпионатида саралаш турнири IV босқич 9.10-тур учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар

рўйхати қайта тасдиқланди. Унга кўра 11 июнда бўладиган Жанубий Корея — Ўзбекистон терма жамоалари баҳсини япониялик Токо

Минору бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳи бошқарадиган бўлди. Миноруға қанотларда ҳамюртлари Хидиани Ришио ҳамда Синдон Очилар ёрдам беришади. Тўртинчи ҳакам вазифаси ҳам япониялик Юдаи Ямамотога топширилган.

ИККИ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

ФИФА ташаббуси билан футбол бўйича терма жамоаларнинг янги рейтинг натижалари эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон футбол терма жамоаси 22-ўринда қайд этилди.

Шуниси эътиборлики, аввалги рейтингда 24-погонани банд этган Ўзбекистон терма жамоаси икки поғона юқорига кўтарилди.

Қитъамизда эса Ўзбекистон терма жамоаси Эрон, Япония, Таиланд терма жамоаларидан кейин тўртинчи ўринда бормоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

31 май — Бутунжаҳон чекишга қарши курашиш кун

ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ УЧУН ИРОДАНИ ИШГА СОЛИНГ

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун зарардир. Ҳозирги кунга келиб, дунё миқёсида чекувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Замонавий тиббиёт натижаларига суянган ҳолда шунинг аниқ айтишимиз мумкин, тамаки таркибида йиғирмадан ортиқ зарарли моддалар мавжуд бўлиб, улар ичида энг захарлиси никотиндир. Инсон тамаки чекканда никотин тутун орқали ўпкага, кейин эса қонга сўрилиб, юрак-қон томир тизимига салбий таъсир этади. Қон томирлари торайиб, босим ошади. Юрак уриши тезлашади. Бу ҳолат юрак мускулларининг ишдан чиқишига сабаб бўлади. Бу ҳол тез-тез тифроланавергач, бориб-бориб юрак инфаркти, стенокардия каби касалликлар бошланиши мумкин. Маълумотларга қараганда чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан ўн икки марта кўпроқ юрак қон томир хасталиклари учрайди.

Тамаки бош мия хужайраларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Чекувчида уйқусизлик, бош оғриғи бошланади. Оқибатда эса марказий нерв тизими фа-

оляти бузилади. Кўп чекадиган киши тез юрса, жисмоний меҳнат қилса, ҳансирайдиган бўлиб қолади. Айрим ҳолларда кўп тамаки истеъмол қилиш чекувчини руҳий хасталикларга дучор қилиши мумкин.

Тамаки чекиш нафас олиш тизимига ҳам зарарли таъсир қилади. Тамаки тутун таркибидаги захарли сақич моддаларининг турли хил ўпка хасталиклари — бронхит, сил ҳаттоки саратон (рак) касалликларига олиб келиши кўзатилади.

Тамаки ҳазм органларига таъсир қилиши натижасида кишида иштаҳа йўқолади, оғизда бемаза таъм пайдо бўлади, сўлак безлари фаолияти бузилади. Сўлак билан ошқозонга тушган никотин кислотаси унинг деворларини зарарлайди. Жигилдон қайнайди. Меъда керагидан ортиқ шира ишлаб чиқаради. Бу эса ўн икки бармоқли ичак яраси каби ка-

салликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кўпчилик танишларимиз, дўстларимиз билан чекиш тўғрисида бахslashганимизда улар сиқилганда чекишликларини айтиб, ўзларини оқлашга уринишади. Гўёки тамаки инсон ғамини ариटाди-дегидек. Ахир бу ҳолат бургача аччиқ қилиб кўрпа ёкиш каби эмасми-кан. Бугунда тамаки маҳсулотларининг турлари кўпайди. Уларнинг хилма-хиллигига барчамиз гувоҳимиз. Бирок, ранг-баранг қутилар қанчалик жилоли бўлмасин, унинг ичидаги оғу эканлигини унутмаслик керак. Тамаки қутисидидаги бир энлик «чекиш соғлик учун хавфли» дейилган ёзувга эса қашандалар деярли ҳеч қачон эътибор беришмайди.

Тамаки чекишни ташлаш мумкин. Бунинг учун кишида ирода бўлмоғи лозим. Тўғри, чекишни ташлаган киши дастлабки кунларда анча қийналади, йўтал тутиши, ҳолсизланиши, кайфияти ёмонлашиши мумкин. Аммо бу ҳолат тез кунда ўтиб кетади. Ўз саломатлигини йўлаган киши тамаки чекишни ташлагани маъқул.

Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали

«101»

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Олов билан юзма-юз, зарур бўлганда жон фидо қилиш айтишга осон. Хар хил нуқулай ва мураккаб шaroитларда ҳўлу қуруқни баравар ямлаётган ўт билан олиниш қанчалик мардлик, чапдастлик, жасорат талаб қилишини ҳамма ҳам билвермас керак.

Бу касб кишилари муқаддас бурчларини адо этиб, керак бўлса жонларини ҳам фидо қилишади. Бу соҳа ходимлари турли сабаблар оқибатида юзага келувчи ёнғинларга тўқнашадилар. Ўртимизнинг табиий бойликлари, иқтисодий манбалари ва инсонлар ҳаёти хавфсизлигини сақлаш, шунингдек, тинчлигини барқарорлаштиришда ўт ўчирувчиларнинг хизматлари бекиёсдир.

Ёнғиндан сақлаш хизмати ички ишлар вазирлиги таркибида мустақам мавқега эга бўлган хизматлардан бири ҳисобланиб, ёнғинларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаш, содир бўлган ёнғинларни тезкорлик билан баргараф этиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида ижобий натижаларга эришмоқда.

М.ҲАСИМОВ,
12-ХҲО 11-ХҲХ алоҳида пости кичик инспектори, сафдор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“ҚИБРАЙ”

клиник санаторийсида саломатлигингизни тикланг!



Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сўхатгоҳдир. Бу ерда тажрибали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усулларини жорий қилиб, беморларни даволайдилар.

Сўхатгоҳда сауна, бассейн, фитобар, теннис корти, бильярд каби кўплаб қўлайликлар мавжуд.

Ошхонада беш маҳал парhez таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Санаторий манзили:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўргони. Метронинг «Буюк Йпак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Телефонлар: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

Тошкент вилояти, Пскент туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1982 йилда Аҳмедов Насриддин Мавлонович номига берилган 870574 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбўсчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz



Буюртма Г- 541

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11938 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ